

180/05/2024
yeyt ayloq

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

GE8407438724

1. Loyihaning turi : Sharhnomalar
2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: QO‘QON SHAHAR TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 23.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Qo‘qon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



O‘.X.XOSHIMJONOV

23.11.2022

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирилаш ишларини бажариш бүйича
№ 10- сонли ШАРТНОМА**

2022 йил 623» α_1

Құқон шаҳри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи INTEL-FART MCHJ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчии» деб аталади) номидан раҳбари Ф.Турдалиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Кукон шахар ШТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари К.Б.Сирохидинов ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра Тибиёт бирлашмасига карашли Коратепа булими биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
 - 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 242 000 000 сўм, (*Икки юз кирк икки миллион*) сўмни ташкил килади.
 - 1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилганни ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова килинади.
 - 1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: **30** кун.

2. Хисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Буюртмачи” томонидан қабул килиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб хисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарқ «Иш бажарувчи» хисобидан қопланади.
 - 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида толовни амалга оширади ҳамда тўлиқ хисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 10 кун ичida амалга оширади.
 - 2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган ҳом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган ҳом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар хукуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яни лойиха-смета хужжатларида қўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган холатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
 - 3.2. «Буюртмачи», «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
 - 3.3. «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб кабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Коррупцияга қарши құшимча шарттар:

- 4.1. Тарафлар шартномадаги коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя етилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.
 - 4.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, маддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа маддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда килинмаганлигини, шунингдек маддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вакт ва шаклда қуида и ҳаракатларни освосита ёки ойлосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир етилишига йўл кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равиша тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка ега бўлиш ёки сақлаб колиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф етилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равиша олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, agar мулк жиноий фаолиятда олинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига конуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасаррuf этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий егалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупсияга оид хукуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиша, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб бориша, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига ега бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларниг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат

киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупсиявий ҳаракатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупсиявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупсиявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни факат тарафниг оддий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширгаи хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равиша ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

4.5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

4.6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупсияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақида зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишига ҳақли.

5. Жарималар кўланилиши

- 5.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 20 % жарима кўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 5.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий кийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, бунда пеня миқдори кечикирилган иш кийматининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
- 5.3 Кабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равиша тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечикирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) миқдори суммасидан “Буюртмачи” томонидан 0.4 % миқдорида “Иш бажарувчи” га пеня тўланади бунда пеня миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.
- 5.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6.<Форс-мажор>

- 6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий оғатлар ва хукуматнинг маҳсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

7. Шартнома муддати

- 7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан ҳамда ғазначилик бўлимидан рўйхатта олингандан сўнг кучга киради.
- 7.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-Декабрь.
- 7.3 Шартнома қуидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- 7.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, тегишли Ғазначилиг бўлими томонидар рўйхатдан утгандан сунг ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.
- 7.3 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва мухрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.
- 7.4 «Пудратчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан лицензия, гувохнома, сертификат «Буюртмачи»га тақдим этади.
- 7.5 Шартномани бажарилиши учун тааъгули хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8. Томонлар хукукий манзили ва банк реквизитлари.

«Пудратчи»

«Intel-FART» МЧЖ

Кўқон шахар Абадият кўчаси 5ий

х/р 20208000004850996001 МФО 00440

Уз саноат курилиш банк Кўқон бўлими

СТИР 301574471 ОКОНХ 61110



Рахбар:

Ф.Турдалиев

«Буюртмачи»

Кўқон шахар Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Кўқон ш. А.Т.Хуқанди кўчаси 132й

Тел/факсе 73-543-57-84

к/к/р: 40032286030457073102

ш/р: 4003228603045707212005

СТИР 200131322 ОКОНХ 91511


Кўқон шахар Ғазначилин бўлинмаси

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/р 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент шахан Маркази банк

МФО 00014 Ғазначилиг СТИР 201122919



К.Сирожиддинов

О.Т.Юлдашева

Хукукий хulosса

Мен ушбу шартномани хукукий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида”ги Қонуни ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинди ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби юкорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Хукукшунос :

№ _____ « ____ » 2022 йил.